O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 26 сентябрь, № 188 (4087) Сешанба

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА МОС ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 сентябрь куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хонимни қабул қилди.

— Сизнинг ташрифингизга Корея Республикаси ҳукумати, халқи ва ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка иштиёқи ўсиб бораётганидан яна бир далолат сифатида қараймиз, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда бу ташрифни 2005 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Корея саммитининг мантиқий давоми дейиш мумкин. Ўзаро муносабатлардаги ишонч ва ҳурмат кўп томонлама ҳамкорлигимиз тараққиётининг кафолатидир.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама алоқалар, жумладан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарлари, ҳукуматлари, турли вазирлик ва идоралари, иқтисодиёт ва маданиятга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг мулоқотлари, қолаверса, хусусий сектор иштирокида ўрнатилаётан тўғридан-тўғри алоқаларнинг аҳамияти каттадир.

Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган. Томонлар бу ҳужжатга катта аҳамият беради.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Жумладан, мамлакатимиз БМТ Бош котиби лавозимига Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлайди. Ўз навбатида Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, халқаро иқтисодий тизимга кенг интеграциялашувини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 2 баравар кўп бўлганини, 2006 йилнинг биринчи ярмига доир кўрсаткичлар эса бундай ўсиш суръатлари сақланиб турганини кўрсатишини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил апрель ойидан Бош вазир сифатида фаолият юритаётган Хан Мёнг Сук кўп йиллар давомида турли жамоат ташкилотларида меҳнат қилган. Кенг дунёқараши ва мураккаб ижтимоий муаммоларни тезда ҳал қила олиш қобилияти билан кореяликлар орасида катта обрў қозонган.

— Ўзбекистонга шу йил март ойида депутат сифатида келган эдим, — деди меҳмон учрашувда. — Бу галги ташрифим ўзаро муносабатлар тарихида Корея Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифидир. Ўзбекистондаги барқарорлик, иқтисодиётнинг ривожланишида мамлакат Президентининг хизматлари беқиёс. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Айни пайтда Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини, жумладан, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ғояси амалга ошганини юқори баҳолаймиз.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-II-сонли Қарорига 1-иловага қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Айтиш жоизки, тамаки хомашёсини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш бир-бирига боғлиқ бўлган жараёндир. Бу жараёнда технологик нормаларга риоя этилмаса, сифатли маҳсулот олиш қийин кечади. Паст сифатли тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш эса фуқароларимиз соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, тамаки маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва бозорга истеъмол талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар киришига йўл қўймаслик зарур.

Ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик, Фидокорлар Миллий демократик ҳамда Халқ демократик партиялари фракциялари йиғилишларида муҳокама этилди.

Шунингдек, барча фракцияларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бугун бўлиб ўтадиган ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган бир қатор қонунлар лойиҳалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Жумладан, "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари юзасидан барча партия фракцияларининг тегишли хулосалари тайёрланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга тўғрисида"ги Қарори ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида фикрлашиб олдилар.

Зиёда АШУРОВА.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хонимга корейс ишбилармонларининг катта делегацияси ҳамроҳлик қилмоқда. Пойтахтимиздаги «Халқаро бизнес маркази»да Ўзбекистон ва Корея ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 153 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва енгил саноат, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир. Кореялик ишбилармонлар билан биргаликда саноатнинг янги-янги тармоқлари ўзлаштирилмоқда. Мамлакатимизда Корея Республикасининг 37 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йил ошиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич ярим миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилда унинг 600 миллионга етиши кутилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо ҳажми 301,4 миллион долларни ташкил қилди.

Жанубий Корея ишбилармон доиралари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан яхши хабардор. Ҳамкорликка қизиқиш негизида юртимизнинг иқтисодий салоҳияти билан бирга, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, хорижий сармоядорлар учун яратилган кенг қулайлик ва имтиёзлар ҳам мужассамдир.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Президент Ислом Каримовнинг жорий йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи асносида энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўшма комиссиянинг биринчи йиғилиши ўтказилган эди. Унда соҳага дахлдор вазирлик ва идоралар, қатор компаниялар ўртасида янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорликнинг истиқболдаги режаларини аниқлаб олиш бўйича музокаралар олиб борилган, қатор ҳужжатлар имзоланган эди.

Бизнес-форумда иштирок этган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси президенти Ким Санг Юль мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишларда, хусусан, савдо-сотиқ, машинасозлик, тўқимачилик, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, нефть ва газ, сайёҳлик соҳаларида ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётганини қайд этдилар.

Бизнес-форумда кореялик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишдилар, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий сармоядорлар учун қулай шароит яратиш, томонларга тенг манфаат келтирадиган иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш давлат даражасида қўллаб-қувватланаётгани ўзининг самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

(ЎзА).

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хоним 25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар муҳокама этилди. Томонлар ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, жорий йил март ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи алоқаларни янги поғонага кўтарди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдан бошлаб ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 301,4 миллион долларга етди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган жами сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошади.

Бош вазирлар учрашувида ўзаро алоқаларнинг бугунги ҳолати таҳлил этилиб, истиқболдаги ишлар режаларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар қўламини янада кенгайтириш борасида атрофлича фикр алмашилди. Хусусан, энергетика, тоғ-кон саноати, ахборот ва коммуникация технологиялари, қурилиш ва меъморлик соҳаларидаги ҳамкорлик салоҳияти юксалиб бораётгани таъкидланди.

Музокара якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ижтимоий таъминот тўғрисидаги битим ижроси бўйича ахдлашув, Қурилиш ва меъморлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан Корея Эксимбанки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, ушбу жамғарма билан Корея Тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси билан Корея Автомобиль йўллари корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Корея Алоқа ва ахборот вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси билан Кореянинг Тижорат, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хоним пойтахтимиз марказидаги Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлмиш Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Корея Республикаси Бош вазири Мустақиллик майдонида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишар экан, унинг ўзига хос ва бетакрор қиёфаси кишида катта таассурот қолдиришини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Илгизар Собиров билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг янги шаклланган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириб боришга келишиб олдилар.

Хан Мёнг Сук хоним Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама этилди.

Ўтган йил февраль ойида Корея Республикаси Миллий ассамблеясида (парламент) Ўзбекистон билан алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида дўстлик гуруҳи тузилди. Сентябрь ойида эса шундай гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳам ташкил этилди. Бу гуруҳлар нафақат парламентлараро алоқалар, балки бошқа соҳалардаги ҳамкорлик қўламини ҳам кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

(ЎзА).

Муҳокамалар учун қулай фурсат

Пойтахтимизда «Info — 2006» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бошланди

Жаҳоннинг тараққий этган давлатларида бўлгани каби юртимизда ҳам ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар самарасини бир неча жиҳатларда кузатиш мумкин. Хусусан, соҳага қатор сармоялар жалб қилиниб, замонавий инфратузилманинг татбиқ этилгани, малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг қондириб борилаётгани, муҳими, буларнинг барчасини ҳуқуқий тарафдан қўллаб-қувватлаш учун зарур қонунчилик базаси яратилгани шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мамлакат ривожланиши учун ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиш" лойиҳаси, Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилган АКТ ҳафталигини ҳам соҳа ривожи йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам дейиш мумкин.

Кеча Халқаро Бизнес Марказида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммитнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Эътироф этилганидек, мазкур тадбир телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ўзига хос нуфузга эга муҳим воқеалардан бири саналади. Шу боис ҳам ҳар йили унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан 300 га яқин делегатлар иштирок этишади. Масалан, бу йилги саммитда республикамиз вакилларидан ташқари Россия, Австрия, Корея, Малайзия, Непал, Филлипин, Швейцария ҳамда Японияда етакчи мутахассислар қатнашмоқда.

Саммитнинг ялпи ва гуруҳ мажлисларида юртимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришдаги асосий ютуқ ва муаммолар атрофлича кўриб чиқилаётир. Муҳокамалар чоғида эркин ва очиқ дастурий таъминот, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, технопарклар яратиш, давлат бошқарувида ахборот технологияларини қўллаш, электрон тижорат, таълим ва соғлиқни сақлаш, ахборот ресурсларини ривожлантириш каби масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилмоқда.

Шунингдек, Тошкент Ахборот технологиялари университетида Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича халқаро конференция ҳам иш бошлади.

Ш.ОРТИҚОВ.

Бугуннинг гапи

Фермер бойиса, юрт бой бўлади

Баъзан «Бозор иқтисодиёти» деган иборанинг аниқ маъносини тушунмайдиган, керак бўлса, бу сўзлардан салбий мазмун англайдиган кишилар учраб туради.

Аслида дунёдаги энг тараққий этган мамлакатларда, демакки, фаровон ва тўкин турмуш кечирилаётган ўлкаларда айнан бозор иқтисодиёти изчил жорий этилиши мева бермоқда.

Ҳаётимизда тобора кенг намоён бўлиб бораётган муносабатларни етарли англамаётган кишилар манфаатлар устуворлигини тан олгиси келмайди. Ахир инсоният тараққиётида моддий ва маънавий манфаат ҳамиша ҳаракатлантирувчи куч бўлганку?! Фақат боқиманда кайфиятга берилган одамгина буни тушуниб етмаслиги мумкин.

Ҳар қандай фикр, ғоя ҳаётдаги жонли мисол орқали тиниқлик касб этади. Агар бизда «Бозор иқтисодиёти амалда қандай кўринишда ифодаланяпти?» деган савол қўйилса, энг аввало, бугунги фермер хўжаликлари фаолиятини кўрсатиш мантиққа мосдир. Ҳа, эндиги фермер кечаги колхозчидан, фақат меҳнатни ўйлаган деҳқондан кескин фарқ қилади.

Дастлаб юртимизда фермерлик ҳаракати бошланган йилларда кимлар ўзини бу ишга урмади, дейсиз? «Қани бошлайверайлик-чи, буёғи бир гап бўлар-да», деган кўр-кўрона уринишлар ҳаёт синовига бардош беролмади. Тўғри, ҳар қандай ютуқнинг омили — меҳнат. Лекин шунчаки тер тўкиш эмас, эртани кўзлаб, бир кесишдан олдин етти ўлчаб ишлаш, ҳисоб-китобли меҳнат қилиш кўнгилдаги самарани беради.

Ўтган ҳафта Президентимиз Фарғона вилояти далаларида фермерлар билан мулоқот қилганларида бу борадаги йўналишлар янада ойдинлик касб этди. Фарғона туманилик фермер Фозилжон Элчибоев инфратузилма ҳақида ўз тушунчаларини айтганда, ислоҳотларда пешқадамлик қилаётган юртдошларимиз онгу тафаккури нақадар юксалиб бораётганига ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, дала ишларини ташкил этишда ишлаб чиқаришга алоқадор инфратузилма бор, айни пайтда ишлаб чиқаришдан ташқари инфратузилма мавжуд. Аҳамияти жиҳатидан бири биридан кам эмас. Ҳокимлар, агросаноат тизимидаги идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари эса ана шу инфратузилма аниқ ишлашини, яъни шароит яратилишини таъминлашлари керак.

Модомики, фермер ўз меҳнати билан жамиятни тўйдирадиган, кийинтирадиган бўлса, бошқаларнинг вазифаси қишлоқдаги асосий фигура — фермер эҳтиёжларидан келиб чиқиши лозим. Юртимизда кейинги йилларда пахта йиғим-терими мавсуми ҳар қачонгидан уюшқоқлик билан бораётганлигига асосий сабаб фермер хўжаликлари фаолиятининг пухта режа асосида ташкил этилаётганлигидир. Демак, фермер бойиса, юрт бой бўлади.

Лўнда сўз

Билган зўр бирни йиқар,
Билими зўр — миниги

Битта гап

Марек БЕЛЬКИ,
БМТ бош котиби ўринбосари, БМТ Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби:

Ўзбекистон — биз учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун, умуман минтақа учун жуда муҳим мамлакат. Сизларнинг давлатингиз бой ресурсларга, улкан табиий бойликларга, катта ривожланиш салоҳиятига эга. Ўзбекистон тараққий этмоқда ва ислоҳотлар муваффақиятли борянпти.

БИРОВ ҚУРАР, БИРОВ БУЗАР...

Фермер — қишлоқдаги асосий шахс. Бу ифода яқинда пайдо бўлди, аммо айнан ушбу таъриф аграр соҳада юз бераётган ислоҳотларнинг асл мазмунини ифодалайди. Умуман олганда, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. 2000-2006 йилларда ҳукумат қарорлари асосида тугатилган 1800 га яқин ширкат хўжаликлари негизида 110 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Ўтган ҳафтага назар

Бугун республика бўйича ўртача битта фермер хўжалигига 26 гектар ер майдони тўғри келмоқда, уларда 1 миллион 83 мингдан ошиқ киши иш билан банд. Фермерлар мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қарийб 40 фоиздан ортиғини ишлаб чиқармоқдалар. Юртимизда етиштирилаётган пахта ва ғалланинг 80 фоиздан ортиғи, шунингдек, картошканинг 96 фоизи, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 84 фоизи, гўшт ва сутнинг 97 фоизи, тухумнинг 65 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари улушига тўғри келаяпти.

Биз бу мисолларни бекорга келтирганимиз йўқ. Ўтган ҳафтанинг чоршанба-пайшанба кунлари мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлганда айнан фермерчилик ҳаракатига катта эътибор қаратдилар. Вилоятдаги 19 минг фермер хўжалигининг 7570 таси пахтачилик билан банд. Фермерлар томонидан ердан мақсадли, унумли ҳамда моддий-техника ресурсларидан тадбиркорлик ва тежамкорлик билан фойдаланиш маҳсулотнинг кўпайиши, таннархининг камайиши ҳамда рентабеллик даражасининг кўтарилишига олиб келаяпти.

Ислом Каримов қишлоқдаги ислоҳотлар билан танишар экан, бир ташаббусни олға сурди. У ҳам бўлса, шароити нисбатан мураккаб ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга қўшимча имкониятлар бериш масаласидир.

— Бу боқимандалик кайфиятини юзага келтирмасмикан, деган савол туғилиши мумкин, — деди давлатимиз раҳбари. — Бундай бўлмайди. Чунки одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарган. Иқтисодий манфаатдорлик, соғлом рақобат бор жойда бундай кайфият ҳукмронлик қилмайди.

Президентимиз сафарининг биринчи куни Фарғона шаҳрида барпо этилган савдо мажмуини бориб кўрди, Марғилонда бўлиб, шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари билан танишди. Мазкур шаҳарда яқинда қад ростлаган тиббиёт коллежи ўқитувчи ва педагоглари билан учрашув, айниқса, қизғин ўтди.

Юқорида биз фермер хўжаликларининг ташкил этилиши қишлоқда улкан ўзгаришларга йўл очганини қайд этдик. Бунинг самараси аллақачон кўрина бошлади. Ўтган ҳафтада Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ва Сариосиё туманлари деҳқонлари пахта топшириш шартнома режаларини уддаладилар. Бу зафарда Қумқўрғондаги 330 та, Сариосиёдаги 98 та фермер хўжаликларининг ҳиссаси баракали бўлди.

Халқимизда бири кам дунё деган ибора бор. Қаердадир бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган пайтда, дунёнинг бошқа бир бурчагида уруш, жанжал рўй бермоқда. Ўтган ҳафтанинг сешанба куни Таиландда давлат тўнтариши амалга оширилди. Ҳарбийлар пойтахтдаги муҳим стратегик объектларни эгаллаб, мамлакат ҳудудида ҳарбий ҳолат эълон қилишди. Европанинг марказида жойлашган Венгрия пойтахти Будапештда эса бир неча кундирки норозилик намойишлари давом этмоқда. Намойишчилар амалдаги бош вазирнинг истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар.

Ўтган ҳафта Нью-Йоркда БМТнинг 61-сессияси ўз ишини якунлади. Сиёсатчилар давлатлар ва мамлакатларнинг ташқи маҳкамалари раҳбарларининг чиқишларини катта қизиқиш билан кузатдилар. Шарҳловчиларнинг таъкидлашича, бу сессия АҚШ ва Эрон президентларининг мунозараси сифатида тарихга кирса ажаб эмас. АҚШ раҳбари Эроннинг ядро дастурини танқид қилган бўлса, Эрон йўлбошчиси бу дастур мутлақо тинчлик мақсадини кўзлашини, айрим давлатларга ядро қуроли дунёга ҳукмронлик қилиш учун керак бўлаётгани ҳақида гапирди. Шунингдек, Яқин Шарқ муаммоси ҳам сессия кун тартибидаги асосий масала бўлди. Бу минтақада тинчлик ўрнатилиши бутун жаҳон тинчлиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Б. УММАТОВ.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Ҳаётимдаги бир воқеани сира-сира унута олмайман. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманининг олис бир қишлоғида жойлашган Алишер Навоий номидаги мактабда ўқиганман. Абрай Ёқубов деган она тили ва адабиёт ўқитувчимиз бўларди (Аллоҳ охиратларини обод қилсин, раҳматли Устозимизнинг!). Бу зот ниҳоятда билимдон, ўз ишига фидойи, ўта талабчан ўқитувчи эдилар. Бунинг далили шуки, у киши умри бино бўлиб биронта ўқувчисига «беш» баҳо қўймаган. Энг юқори ҳиммати — «тўрт» (яхши) баҳо эди.

МУАЛЛИМНИ АРДОҚЛАГАН ЭЛ

Бир куни мактабимизга туман халқ таълими бўлимидан бир мутахассис келиб, синфимиздаги ўқувчиларнинг она тили фани бўйича савиясини тафтиш қилди. Мутахассис доска ёнига мени чақирди ва обдон имтиҳондан ўтказди. Ҳатто бир хил саволларини бошқачароқ тарзда баён этиб, чалғитишга ҳам уриниб кўрди. Аммо мен барча саволларига рисолладагидай жавоб қилдим. «Хўш» деди шундан сўнг у журнални варақлай туриб. Кейин таажжуби ортиб ўқитувчимга юзланди: «Бу болага бирон марта ҳам «беш» қўймабсиз-ку муаллим? Нега бундай? Келинг, бугун битта «беш» қўяйлик», деди. Журналда менинг исми-шарифим ёнида илк марта она тилидан «беш» баҳо пайдо бўлди. «Тафтишчи» мутахассис кетди. Мен кейин ҳам дарсларда она тилидан «беш»га лойиқ жавобларни кўп бердим. Аммо... яна «тўрт»дан бошим чиқмади. Мактабни тамомлаб, Тошкентга йўл олдим. САГУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига ўқишга қабул қилиндим. Бахтдан яйраб қишлоғимга бордим. Биринчи бўлиб ўқитувчимиз Абрай ака Ёқубов уйимизга келди-да, мени бағрига босиб табриклади. Ўша лаҳзада устозимнинг айтган бир гаплари ҳамон эсимда: «Мана, шогирд, — деди ўқитувчим, — бугун иккаламиз ҳам ҳаётда «беш» баҳо олдик».

Ҳа, менинг ҳаётимдаги қувонч азиз муаллимимнинг ҳаётида ҳам энг муносиб байрам эди. Мен — унинг ўқитувчилик фаолиятининг бир яхши натижаси эдим. Мен сиздан бир умр миннатдорман, Устоз!

Бундай эзгу-миннатдорчилик ҳис-туйғуларини ҳаётда бир мен эмас, яна минглаб, миллионлаб кишилар устозлар олдида тиз чўкиб изҳор этишга тайёрдирлар. Навоий бобомиз айтганларидай, Ҳақ йўлида ким сизу бизга минг ранжу азоб ила бир ҳарфни ўргатган экан, уларнинг хизматини юз ганж, минг ганж билан ҳам адо этиб бўлмайди.

Бугун Ўзбекистон мустақиллиги даврига келиб мактаб, ўқитувчи, мураббий, умуман, таълимга ва тарбияга шахсан Президентимизнинг ўзлари, республика ҳукумати, давлатимиз, халқимиз энг юксак эҳтиромлар кўрсатмоқдалар. Ватанимизда таълим ва тарбияга — тараққиётимиз асоси, келажагимиз пойдевори, деган умумхалқ қараши мавжуд.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда таълимнинг бугунги ва келажакдаги устувор йўлини, мартабасини белгиловчи улуғвор стратегик ҳужжат — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» эълон қилинди. Бундай стратегик таълим дастурлари бошқа давлатлар ҳаётида ва амалиётида учрамайди. Шунинг ўзиёқ таълим ва тарбияга республикамизда нақадар катта аҳамият берилаётганлигини исботламайдими?!

Гап фақат дастурларда эмас, албатта. Лекин мана шундай дастурлар асосида Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни, бемисл улуғвор ўзгаришларни, шаҳарлар ва қишлоқларимизда қанчадан-қанча муҳташам коллежлар, академик лицейлар, мактаблар қурилаётганлигини кўз олдимизга келтирсак, улар халқаро андозаларда энг замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланаётганлигини инобатга олсак, давлатимиз ва ҳимматда тенгсиз халқимиз бу ишларга триллионлаб маблағлар ажратаётганлигини ўйлаб кўрсак, бу дастурларнинг ҳар бир саҳифасини кўзга суртгинг келади. Улар бебаҳо ҳужжатлардир.

Шу йил бир гуруҳ пойтахтлик журналистлар Халқ таълими вазирлиги таклифига кўра Самарқанд вилоятида бўлиб, мактаб таълимининг аҳволи билан атрофлича танишдик. Бир неча янги мактабларнинг очилиш тантаналарида иштирок этдик. Бу янги мактаблар атрофидаги боғлар, стадионлар, спорт мажмуалари билан бутун бошли шаҳарчаларга ўхшайди. Тантаналарга кўплаб қариялар келган. Улар замонамиз бунёд этган мактаблардан ҳайратланиб: «Биз ҳам кападай мактабларда ўқиган эканмизда», деб ҳозирги авлодларга ҳавас қилишди. Каттақўрғон туманидаги янги мактабнинг очилиш маросимида қариялардан бири сўз олиб: «Президентимиз, давлатимиз бундай кошоналарни сизларга атаб бунёд этганки, болаларим, бу мактабларда ёмон ўқишнинг ўзи гуноҳ бўлади» деди. Ана, халқимиз ҳозирги таълимга давлатимизнинг эътиборини қандай алқамоқда!

Ота-боболаримиз мактабни «Энг улуғ иморат» деб билганлар. Бугун таълим Ўзбекистонда энг улуғ соҳага айланди. Аждодларимиз устозларни отадек азиз инсонлар, деб қадрлаганлар. Бугун ўқитувчилар, мураббийлар энг ардоқли кишилардир. Улар мамлакатимизнинг энг улуғ, энг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Ўқитувчилар ва мураббийлар орасидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари етишиб чиқди. Юзлаб ўқитувчилар ва мураббийлар ҳукумат орденларига, медалларига, «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» унвонларига сазовор бўлдилар ва бўлмоқдалар.

Давлатимиз ўқитувчилар ва мураббийларни рағбатлантиришни сира бўшаштираётгани йўқ. Уларнинг иш ҳақлари муттасил ошириб борилмоқда. Давлат миқёсида ва маҳаллий ҳокимликлар даражасида бозор иқтисодиёти шароитида ўқитувчилар ва мураббийларнинг ўзлари ва оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Президентимиз Фармони билан эса ҳар йилнинг 1 октябрь куни «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилинди. Бу кун бутун халқимизнинг, ҳар биримизнинг севикли байрамларимиздан бири бўлиб қолди.

Устозлар, ўқитувчилар ва мураббийлар — фидойи инсонлардир. Улар элга, янги авлодларга таълим ва тарбия зиёсини, ёғдусини тутадилар. Бу зиё, бу ёғдулар онгимиз ва қалбимизни, виждон ва имонимиз дунёсини ёритади. Тараққиёт, келажак йўлларини ёритади. Ҳар биримизга, бутун жамиятга ривож, камолот бағишлайди. Бундай зиёкор инсонлар чексиз эҳтиром ва ардоқларга лойиқдир. Ўқитувчилар ва мураббийларни, таълим ва тарбияни ардоқлаган эл-юрт асло кам бўлмайди.

М.САФАРОВ.

Йўлсозлар шижоати

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам кенг кўламдаги ободончилик, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, янги йўллар қурилиб, мавжудлари эса сифатли таъмирдан чиқарилмоқда.

Айни кунларда "Андижонавтойўл" йўл қурилиши 2-бўлими жамоаси ҳам "Бахт" сув-насос станциясини вилоят маркази билан боғловчи Янги Далварзин кўчасида йўл қурилиши ишларини олиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўчанинг кенглиги 60 метр бўлиб, унинг қарийб ярмини автомобиллар қатнов қисми ташкил этади.

Йўлсозларнинг маълум қилишича, янги йўл фойдаланишга топширилгач, нафақат пиёдалар хавфсизлиги таъминланади, балки автомобиллар қатнови ҳам осонлашади.

СУРАТДА: Янги Далварзин кўчасида олиб борилаётган йўл қурилишидан лавҳа.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Одамларнинг энг яхшиси

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига қилган сафарлари ҳақида ойнаи жаҳон, оммавий ахборот воситаларида берилган хабарлар орқали танишгач, у кишининг жойларда бўлиб, оддий одамлар, меҳнаткашлар билан дилдан учрашуви катта аҳамият касб этишига яна бир марта амин бўлдим.

Юрт сардори билан бевосита кўришиб, очиқ-ойдин сўзлашиб, ўз фикрларини билдириш, турли тоифадаги одамлар, айниқса, олис қишлоқлардаги оддий меҳнат аҳли хотирасида бир умрга эсда қоладиган тарихий воқеа бўлишини, одамларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, улар кўнглини тоғдай кўтаришини тасаввур қилиш қийин эмас. Айни вақтда, ҳар доим бўлганидек, бу гал ҳам мамлакатимиз раҳбари ўртага ташлаган масалалар, билдирган фикрлари катта, умумдавлат тараққиётига хизмат қиладиган кўрсатмалар — ҳикматлар дейиш мумкин.

Фикримиз исботи сифатида Фарғона сафари чоғида айтилган кўплаб қимматли мулоҳазалардан биттаси ҳақида тўхталишни истардим. Гап шундаки, ҳозир мамлакатимизда кенг қулоч ёяётган фермерлик ҳаракати Президентимизнинг доимий эътиборида. Фарғона сафарида ҳам фермерлар кўп хайрли ишларни қилиши мумкинлиги, агар фермер топган маблағини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қишлоққа саноатни олиб киришга сарфласа, бундан тадбиркор ҳам, бошқалар ҳам кўпроқ фойда кўриши, охир-оқибат фермернинг ўзи ҳам, элу юрт ҳам бой-бадавлат бўлиши алоҳида таъкидланди. Юртбошимизнинг бу қимматли кўрсатмаларини эшитиб, Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир ҳадиси шарифлари хаёлимга келди. Бир сафар саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан: «Айтингчи, эй Расулуллоҳ, Сизнинг фикрингизча, қандай одамни энг яхши одам деб атаса бўлади?» деб сўраганларида Сарвари олам: «Бошқаларга фойдаси теккан одам — одамларнинг энг яхшисидур» (Хайр ун-носи ман янфаъу ун-носа), деб марҳамат қилган эканлар. Бинобарин, халқимизнинг фаровонлиги, элу юртнинг манфаатини ўйлаб яшаш ва бу олижаноб йўлда фидойилик билан астойдил меҳнат қилиш барчамизга насиб бўлсин.

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент Ислом университети манбалар хазинаси мудири, тарих фанлари доктори.

Тошкентда II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси очилиши олдидан

Пахта толасининг салмоғини эмас, сифатини ҳам доимо ошириб бориш соҳанинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Сабаби, хомашёнинг харидоргир бўлишида айнан мана шу жиҳат алоҳида эътиборга олинади. Селекционер олимлар, ғўзанинг янги навларини синовчилар, уруғшунослар, қўйингки, шу тармоққа дахлдор барча мутахассисларнинг ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ишлаши эса сифат кўрсаткичларининг ошишига замин яратади. Юртимизда ушбу масала ҳамиша эътиборда турибди. Хусусан, ғўза селекцияси, уруғчилиги, агротехникаси ва пахта толашунослиги сингари йўналишларни ўзида қамраб олган яхлит тизим шакллантирилиб, у барқарор фаолият кўрсатмоқда.

СИФАТЛИ ТОЛАНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

шу боис ғўза навини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга

— Селекцияга оид илмий ва амалий тадқиқотлар Ғўза селекцияси ва уруғчилиги, Пахтачилик, Қорақалпоғистон деҳқончилик, Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институтлари, Тошкент давлат аграр университети, Андижон қишлоқ хўжалиги институти каби ўнлаб илмий муассаса ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда, – дейди Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Муҳаммаджон Тошболтаев. — Олимларнинг узоқ йиллик изланишлари натижасида мамлакатимизда ғўзанинг ёввойи, маданий турлари ва уруғларининг бир неча ўн минг намуналаридан иборат коллекция барпо этилган. Селекционерлар мавжуд ана шу намуналарни бир қатор белгилар бўйича тадқиқ этадилар ва олинган натижалардан янги нав яратишда фойдаланадилар.

— Яратилган янги навлар тўғридан-тўғри амалиётга жорий этиладими ёки дастлаб бирор-бир синов ишлари олиб бориладими?

— Албатта, ҳеч бир нав синаб кўрилмасдан туриб, амалиётга жорий этилмайди. Чунки соҳанинг эртанги тақдири шу навга боғлиқ бўлгандан кейин етти ўлчаб бир кесишга тўғри келади. Аввалига янги ғўза навлари муаллифларнинг далаларида энг камида уч йил текшириб кўрилади. Ижобий кўрсаткичга эришилгач, улар республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг турли ҳудудларда жойлашган станция ва участкаларига топширилади. Мазкур комиссия синаётган ғўза навларининг экишга, ҳосилини қайта ишлашга яроқлилигини баҳолайди ҳамда жойлаштирилганда юқори самара бериши мумкин бўлган ҳудудларни аниқлайди. Текширишлардан муваффақиятли ўтган ва районлаштиришга рухсат этилган навларга муаллифлик гувоҳномалари берилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда районлаштирилган ғўза навларининг элита уруғларини етказиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу тадбир республика Ғўза уруғчилиги марказининг элита-уруғчилик хўжаликларида амалга оширилаяпти. Элита уруғларини кўпайтириш ҳамда уни вилоятларга етказиб бериш эса ихтисослаштирилган хўжаликлар зиммасига юклатилган. Уруғлик пахта тайёрлаш, уни сақлаш, қайта ишлаш, уруғлик чигит тайёрлаш ва уларни экиш учун хўжаликларга етказиб бериш жараёнлари "Ўздавуруғназоратмарказ"га қарашли пахта уруғчилиги лабораториялари томонидан қаттиқ назоратга олинган.

— Сиз айтаётган селекция ва уруғчиликнинг яхлит тизими натижасида ғўзанинг қандай янги навлари яратилди ва амалиётга жорий этилди?

— Ҳозирги вақтда ғўзанинг 17 та селекцион нави давлат реестрига киритилган. Булар ичида "Бухоро-6", "С-6524", "Оқдарё-6" ва "АН-Боёвут-2" ғўза навлари серҳосиллиги ва тола сифатининг юқорилиги билан ажралиб туради. Айниқса, "Бухоро-6" навининг Ливерпуль пахта биржасининг олтин медали билан тақдирлангани, толаси эса эталон сифатида қабул қилингани селекционерларимиз ишларининг жаҳонда тан олинганидан далолатдир.

Бундан ташқари, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаларидан омилкорлик билан фойдаланган республикамиз селекциячи олимлари кейинги йилларнинг ўзида "Наврўз", "С-4914", "Андижон-38", "Қашқадарё-7", "ФАН-2", "Термиз-142" каби бир қатор ўрта ва ингичка толали янги ғўза навларини ҳам яратдилар.

Давлат синовлари натижаларига кўра, янги навлар ялпи пахта ҳосилдорлиги, тола чиқиши ва узунлиги, толанинг энг муҳим сифат кўрсаткичи — микронейр бўйича стандарт ғўза навларига нисбатан афзалликларга эга эканлиги эътироф этилган.

Яхши биласиз, ўтган йилнинг 10-11 октябрь кунлари Тошкентда биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилди. Илк бор ташкил этилганига қарамай, мазкур нуфузли анжуман жаҳон пахта бозорида муҳим воқеа сифатида тан олинди. Чунки унда 26 давлатдан 200 дан ортиқ компания ва корпорациялар вакилларининг иштирок этиши дунё бозорида ўзбек пахтасига бўлган қизиқишнинг нақадар юксак эканлигини яна бир карра кўрсатди.

Маълумки, бизда хўжалик юритишнинг фермерлик тизимига ўтилгани одамларда ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Бу ҳаракат амалда ўзини оқлади. Шу боисдан ҳам республикамиз пахтачилигида фермерларнинг улуши йилдан-йилга ошиб бораяпти. Масалан, бу йил далаларда етиштирилган "оқ олтин"нинг 80 фоиздан ортиғи айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келиши кутилмоқда.

Бўлиб ўтган пахта ярмаркасида ҳам мана шу жиҳат эътиборга олиниб, иштирокчиларни хомашёни етиштириш жараёни билан таништиришда айнан фермер хўжаликлари далалари танланди. Қатнашчилар Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги "Уфқ" фермер хўжалиги пахтазорларида бўлишганда, ғўзанинг "С-6524" нави билан танишишди. Ер эгасининг барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказгани учун 35 центнердан ошириб ҳосил олгани хорижликлар эътиборини тортди. Улар ғўзанинг Ўзбекистонда яратилган бу навига астойдил қизиқиб қолдилар. Хомашё сифатига эса юқори баҳо бердилар.

Шу йилнинг 17-18 октябрь кунлари Тошкентда иккинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилади. Бу гал иштирокчиларнинг сони янада кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Айтиб ўтишим керак, нуфузли анжуман иштирокчилари тадбир доирасида селекционер олимларимиз томонидан яратилган ғўза навлари билан батафсил танишиш имконига эга бўладилар.

— Ғўзадан юқори ҳосил олишда қайси омиллар муҳим ҳисобланади?

— Ўсимликнинг ҳар бири ўзига хос агротехнология асосида парваришни талаб этади. Шу мақсадда нав оригинаторлари томонидан чигит экиш муддати, меъёрлари, кўчат қалинлиги, суғориш вақти, сув сарфи, минерал ўғит солиш миқдорлари, тартиблари, ўсимликни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя этиш қоидалари ишлаб чиқилган. Ана шу агротехника тадбирларининг мақбул муддатларда бажарилишини таъминлаш пахта ҳосилдорлиги, унинг ялпи ҳажми ва сифатини оширишда муҳим омил эканлигини илғор пахтакорларимиз ҳар йили амалда исботлаб беришмоқда. Буни жорий йилда мамлакатимизда биринчи бўлиб шартнома режасини уддалаган Қумқўрғон ва Сариосиё туманлари пахтакорлари муваффақияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Сирасини айтганда, истиқболли ғўза навлари пахтачилик соҳасини ривожлантириш, пахтакорлар ҳамда фермерлар даромадини оширишга хизмат қилади. Бу — мамлакат иқтисодиёти ҳам ривожланади, деганидир.

"Халқ сўзи" мухбири Шавкат ОРТИҚОВ суҳбатлашди.

Спорт

Жорий йилнинг 27 сентябрь — 8 октябрь кунлари Доминикан Республикасида оғир атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Бу мусобақага қизиқиш анча кучли. Сабаби, полвонлар нафақат жаҳон чемпионлиги, балки 2008 йили Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтадиган навбатдаги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун ҳам баҳс юритадилар. Чемпионатда дунёнинг 173 мамлакати спортчилари иштирок этиши кутилаяпти.

ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН

Куни кеча Ўзбекистон терма жамоаси ушбу мусобақага жўнаб кетди. Сафар олдидан Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси бош котиби Шаҳрулла Маҳмудовдан шогирдларининг тайёргарлиги ҳақида сўрадик.

— Бугун йигитларимиз билан йўл олаётган мусобақа нуфузи, жуда юқори, — дейди Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси бош котиби Ш. Маҳмудов. — Чемпионатда қатнашаётган ҳар бир мамлакат вакиллари Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишга ҳаракат қилади. Албатта, бу барчага насиб этавермайди. Терма жамоа таркибининг асосини Навоий тоғ-металлургия комбинати спорт жамоаси йигитлари ташкил этади. Шу ерда тарбияланаётган Фурқат Саидов жорий йил Тошкентда ўтган Осиё кубоги, Жанубий Кореяда бўлган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Александр Ўринов ҳам ҳозир юқори спорт формасига эга. Қолаверса, мазкур корхона жамоамизнинг бош ҳомийси ҳисобланади. Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли спорт базаси тарбияланувчилари Александр Ўринов ва Игорь Халиловлар 2004 йили Афинада ўтган Олимпиада ўйинларида кучли ўнликдан жой олишган эди. Биз Пекин Олимпиадасида камида учта йўлланмани қўлга киритишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун умумжамоа ҳисобида 15-21 ўринлардан жой олишимиз керак.



— Терма жамоага таклиф этилган йигитлар тайёргарлигига ҳам тўхталсангиз...

— Жаҳон чемпионатида Навоий тоғ-металлургия комбинати вакиллари Александр Ўринов (105 килограмм вазнда), Руслан Алпанов (62 килограмм вазнда), Фурқат Саидов (94 килограмм вазнда), қорақалпоғистонлик Баҳром Мендибоев (+77 килограмм вазнда) ва Тошкент вилоятидан Мансур Чашимов (85 килограмм вазнда) ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Шогирдларимнинг жисмоний тайёргарлиги яхши. Ўқув-йиғин машғулотларини кўнгилдагидек ўтказдик.

— Терма жамоанинг асосий таркибида тажрибали спортчи Игорь Халилов кўринмайди?

— Хабарингиз бор, декабрь ойида Қатар пойтахти Доҳада XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Осиё ўйинлари ҳам аҳамияти жиҳатидан жаҳон чемпионатидан қолишмайди. Бу ерда қўлга киритиладиган ҳар бир медаль қадрли. Шунинг учун Игорь Халилов Осиё ўйинларида қатнашадиган бўлди.

— Аёллар терма жамоамизнинг аҳволи қандай?

— Мамлакатимизда хотин-қизларни оммавий спортга жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар бугун самарасини бера бошлади. Спортнинг оғир атлетика тури бўйича қизларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар салмоқли бўлмоқда. Елена Асланова (58 килограмм вазнда) ва Эльвира Рамилевалар шу йили ташкиллаштирилган Осиё кубоги баҳсларида совриндорлар сафидан жой олишди. Олимпиада ўйинларига ҳам қизларимизни олиб чиқишни мақсад қилиб қўйганмиз. 2007 йил Таиландда қизлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилади. Бу чемпионатда ҳам Олимпиада йўлланмалари учун баҳс юритилади. Умид қиламизки, қизлар терма жамоамиз Олимпиада йўлланмасини қўлга киритади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Академик Нўъмон СОТИМОВ

Бешафқат ўлим 2006 йил 22 сентябрь куни атоқли математик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси, Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати Нўъмон Юнусович Сотимовни 67 ёшида орамиздан олиб кетди.

Академик Н.Сотимов 1939 йил 15 декабрда Андижон шаҳрида туғилди. 1962 йили М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетини тамомлаб, Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институтининг аспирантурасига кирди. Уни муваффақиятли битиргач, 1968 йилдан умрининг охиригача Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўқитувчи, кафедра мудири, декан, профессор, 2000 йилдан Фанлар академиясининг Математика институтида етакчи илмий ходим лавозимларида ишлади.

Н.Сотимовнинг асосий тадқиқотлари техника тараққиёти тақозоси билан ривожлана бошлаган фан соҳаси — системаларни оптимал бошқарувнинг математик назариясига оид бўлиб, олим бу йўналишга оид 150 дан зиёд илмий мақола ва маърузалар, иккита монография чоп эттирган ва улардан кўпчилиги хорижда инглиз тилига таржима қилинган. Бу борадаги ишлари учун у 1985 йилда Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Н.Сотимов 1969 йилда ЎзМУда «Оптимал бошқарув ва дифференциал ўйинлар» илмий семинарини ташкил этди. Унинг раҳбарлигида ўнга яқин фан доктори, ўттиздан зиёд фан номзоди етишиб чиқди. Олим кўплаб йирик халқаро илмий анжуманларда мамлакатимиз фани ютуқларини тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшди.

Фидойи олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Н.Сотимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ

фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. Давлат-акциядорлик тижорат «Асака» банки.
3. Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноатқурилиш банки.
4. Акциядорлик тижорат «Ипотекабанк».
5. Акциядорлик тижорат «Пахтабанк».
6. Акциядорлик тижорат «Ғаллабанк».
7. Акциядорлик тижорат «Турон» банки.
8. Акциядорлик тижорат банки «Микрокредитбанк».
9. Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».
11. Акциядорлик инновация тижорат «Ипак йўли» банки.
12. Акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк».
13. Акциядорлик тижорат «Капиталбанк».
14. Хусусий акциядорлик биржа банки «Трастбанк».
15. Хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат «Парвинабанк».
16. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Алп Жамол банк».
17. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат инвестиция «Туркистон» банки.
18. Хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат «Даврбанк».
19. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Ўктамбанк».
20. Хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат «Самарқанд» банки.
21. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Универсалбанк».
22. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Равнақбанк».
23. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Кредит-Стандарт» банки.
24. «ЎзКДБ Банк» ёпиқ акциядорлик жамияти.
25. Ўзбек-Турк қўшма банки «ЎТ-Банк».
26. «АБН АМРО Банк Ўзбекитон МБ, ХЖ».
27. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

Ушбу банклардаги аҳолининг омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

«АЛОҚАБАНК» жамоаси



юртимизда пахта йиғим-терими мавсуми бошланганлиги муносабати билан ўзининг янги омонатини таклиф этади.

«ПАХТАКОР» — йиллик 25 фоиз, 3 ой муддатга энг кам миқдори — 10 000 сўм.

Шунингдек, банкда мавжуд қуйидаги омонат турларидан фойдаланишингиз мумкин:

«Сахий»	йиллик 22 фоиз	2 ой муддатга, фоизлар муддати тугагач берилади
«Истиқлол»	йиллик 24 фоиз	3 ой муддатга, фоизлар муддати тугагач берилади
«Байрам»	йиллик 20 фоиз	4 ой муддатга, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин
«Шифокор»	йиллик 22 фоиз	6 ой муддатга, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин
«Файзли»	йиллик 21 фоиз	6 ой муддатга, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин
«Туҳфа»	йиллик 20 фоиз	6 ой муддатга, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин
«МАХСУС»	йиллик 30 фоиз	муддатсиз, омонатга қўшимча бадаллар қўйиш, коммунал ва телефон хизматлари учун пул ўтказиш мумкин
«Бахтли болалик»	йиллик 30 фоиз	3 йилдан 17 йилгача омонатга қўшимча бадаллар қўйиш мумкин. Омонат 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар номига очилади.
«Яхши ният»	йиллик 20 фоиз	6 ой муддатга, омонатга қўшимча бадаллар қўйиш мумкин
«Ҳумо»	йиллик 20 фоиз	12 ой муддатга, омонатга қўшимча бадаллар қўйиш мумкин
«Пластик карточка»	йиллик 24 фоиз	муддатсиз, фоиз қолдиқ суммага ҳисобланади

Ушбу омонат турларига маблағлар банкнинг барча бўлим жамғарма кассаларида қабул қилинади.

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Қўшимча маълумотларни 152-78-86, 137-49-36 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган филиалидан олишингиз мумкин.

IPOTEKA BANK

ПУЛИНГИЗ ҲАРАКАТДА БЎЛСИН

«Мураббий» омонати	йиллик 24 фоиз	3 ойлик муддатга қабул қилинади
«Мустақиллик туҳфаси» омонати	йиллик 24 фоиз	6 ойлик муддатга (фоизларни ойма-ой олиш мумкин)
«Коммунал» омонати	йиллик 24 фоиз	12 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади (фоизлар олдиндан ҳисобланиб, коммунал тўловлар учун юборилади)
«Истиқбол» омонати	йиллик 22 фоиз	2 ойлик муддатга
«Жозиба» омонати	йиллик 21 фоиз	3 ойлик муддатга
«Адолат» омонати	йиллик 20 фоиз	6 ойлик муддатга (фоизларни ойма-ой олиш мумкин)
«Антиқа» омонати (фоизлар капитализацияланади)	йиллик 22 фоиз йиллик 21 фоиз йиллик 20 фоиз	1 ойдан 3 ойгача 3 ойдан 6 ойгача 6 ойдан 12 ойгача
«Меҳрибонлик» омонати (фоизлар капитализацияланади)	йиллик 22 фоиз	3 ойлик муддатга
«Эзгулик» омонати (фоизлар капитализацияланади)	йиллик 21 фоиз	4 ойлик муддатга
«Ҳумо» омонати (фоизлар капитализацияланади)	йиллик 20 фоиз	3 ойлик муддатга

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 132-13-18
(8-371) 133-29-57
info@ipotekabank.uz

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган



- экология - тежамлилик - чоп этиш тизими

маҳсулот сертификатланган

Узоқ муддатли компонентлар ҳар бир боғламанинг 100 мингдан 4,5 млн. саҳифагача хизмат муддатини кафолатлайди

қиммат картриджларнинг сервис хизматларини *ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИ*

Фойдаланиши учун катта маблағлар сарф қилинмайди.

ТАШКЕЙ ИНТЕРНЕШНЛ АТД
Тел.: +998 - 712 - 540671
+998 - 71 - 3613003
Факс: +998 - 71 - 3613000
E-mail: tashkei@mail.ru
info@tashkei.uz

Ecosys

THE NEW VALUE FRONTIER
www.kyoceramita.ru
KYOCERA MITA Europe B.V. - www.kyoceramita-europe.com
KYOCERA

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗГИДРОМЕТГА ҚАРАШЛИ

ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги соҳалар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:

11.00.07 *(қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрохимия);*

11.00.09 *(метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология).*

Манзилимиз: 700052, Тошкент ш., Қ.Маҳсумов к., 72-уй.
Телефон: 135-83-25.
Автобуслар: 42, 88, 89, 95, «Гидрометцентр» бекати.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Дилдаги гаплар

ПОКИЗА ҚАЛБ ЭЪЗОЗГА МУҲТОЖ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди ТЎХТАБОЕВ билан суҳбат

— Ўзбек болалар адабиётининг етакчи намояндаларидан бири, уларнинг руҳий оламини том маънода яхши англайдиган инсондан бир саволга жавоб олишни истардим. Болалар дунёга покиза бўлиб келади, дейишади. Шундай экан, худбин, бадхулқ кимсалар қандай пайдо бўлади?

— Инсоният пайдо бўлганидан бери аҳли донишларни ўйлантириб келаётган саволлардан бири айнан шу. Оллоҳ чақалоқни дунёга келтираётганда унинг руҳиятига тўрт туйғуни қўшиб яратар экан. Буларнинг биринчиси адолат, иккинчиси ҳақиқат, учинчиси маъсумлик, тўртинчиси камолот туйғусидир. Олимларнинг илмий-тадқиқотларига кўра, чақалоқда аввал мия, кейин қалб шаклланар экан. Улар юқорида тилга олинган тўрт ҳолат ила қўшилиб мукаммаллик касб этаркан. Ушбу ҳолатларнинг шаклланиши ва ривожланиши яна тўрт ҳолатга боғлиқ. Булар: ота-онанинг руҳий олами ва фарзанди тарбияси учун яратган шароити, иккинчиси, маънавий гўзаллик, галдагиси — боланинг ўзини англаши, тўртинчиси ва энг муҳими, ҳар қандай инсон атрофдагилар олдидаги масъулиятини англаши. Бироқ, афсус буларнинг тўрттаси бир инсонда мукаммал бўлиши қийин. Агар атрофдагилар, хусусан, ота-она оми бўлса, боланинг ўз-ўзини англаши кечикиши мумкин. Оллоҳ болани яратаётганда унинг руҳига маълум бир мойилликни ҳам сингдираркан. Бу мойиллик кейинчалик истеъдодга айланиб кетаркан. Агар ундаги бу хислат ота-она ва бола томонидан эртароқ англанса, унинг иқтидори ҳам эрта уйғонаркан. Тезроқ камолга етган бола жамият ривожига ҳам каттароқ ҳисса қўшади. Менинг шиорим, болани эртароқ ўзини англашига ёрдамлашишдан иборат.

— Болалар оламига ошно бўлиб нима топдингиз, нимани йўқотдингиз?..

— Мен болалигимда ўқитувчи бўлишни орзу қилганман. 1949 йилда Қўқон педагогика билим юртини битириб келиб, чекка бир қишлоқда ўқитувчилик қила бошладим. Ўшанда энди 17 ёшда эдим, мактабимизни текширишга комиссия келиб қолди. Келиб-келиб менинг дарсимга кирадиган бўлибди. Эшитдиму, синфга отилдим. Болаларга қараб, "Агар дарс давомида бирортанг ғинг десанг, тилингни суғуриб оламан", дедим. Шу пайт қўнғироқ чалинди-ю, комиссия кириб келди. Одатдагидек, йўқлама қилиб бўлгач, ўтган дарсда нима мавзу ўтилган эди, дея синфга юзландим. Болалар жим. Иккинчи бор такрорладим, ҳеч ким индамайди. Доскага яқинлашиб, ўтилган мавзуни тахтага ёзиб ҳам қўйдим. Бирин-кетин саволлар бера бошладим. Қани энди бирортаси жавоб берса, ҳамма жим. Нима қилишни билмайман. Навбати билан яхши ўқийдиган болаларни турғаза бошладим, бирортаси чурқ этиб овоз чиқармайди. Шарманда бўлаётганимни ҳис этардим. Синфда Ғуломжон исмли анча гапдон, киришимли бола бор эди. Уни тургазиб, савол бердим. У ҳам индамай тикилиб тураверди. Охири, жиғибийроним чиқиб, «Тилинг борми?» деб юбордим. Буни қарангки, у ҳам тилини катта қилиб чиқариб, ёнидагиларга кўрсатса бўладими. Бирдан кулгу кўтарилди, босиб бўлмайдиган кулгу. Кузатишга кирганлар ҳам тушунишди, шекилли, улар ҳам қўшилиб кулиб юборишди. Дарс ҳам бузилди. Мен ана шунда биргина ўринсиз сўз кишини нечоғли қийин вазиятга туширишини англадим. Инсон оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзга масъулиятли бўлиши керак-лигини, ҳар бир сўзнинг ўрни ва вақти, елкасида юки бўлиши кераклигини тушуниб етдим. Минглаб дунёларни ўзлаштирдим. Болаларнинг ҳар бири бир дунё, мана шу дунёларни очдим. Мен болалар дунёсига келиб, ўзимни-ўзим топдим. Болаларнинг ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайдиган меҳрини қозондим. Шунинг учун болалардан кетолмадим.

Топган нарсаларим олдида йўқотганларим заррачадек. 15 йилдан ортиқ фельетончи сифатида фаолият кўрсатиш жараёнида юридик институтга ҳам кириб таҳсил олдим. Тўғри, балки юрист бўлиб, яхши яшашим мумкин эди. Лекин мен болалар дунёсига кириб, ундан чиқиб кета олмадим.

— Сиз, очкўзлик, худбинлик, ҳасад каби иллатларга қарши ўз асарларингиз ила курашасиз. Бирон натижага эришдингизми?

— Буни ўлчаб бўларми-кин!? Буни аввало менга келаётган хатлардан биламан. Иккинчиси, баъзи бир мактабларга 4-5 йил ўтиб қайта учрашувларга чақиришганда болалар маънавий дунёсидаги ўзгаришларда кузатаман.

20 йилдан бери Ўзбекистон телевидениесида "Ўйла, изла, топ" кўрсатувининг ҳайъатида раислик қиламан. Аввалги болалар билан бугунги кун болаларининг дунёсини солиштираман, бунда улар ўқиётган асарлар таъсири борми, шуни кузатаман. Асарларим таъсирини мана шу ўлчовларда ўлчайман. Ёзувчи асарларининг натижасини китоблар тиражининг тарқалиш тезлиги ила ҳам ўлчайди. Биргина "Сариқ девнинг ўлими" 44 нашрни кўрди. Сўнгги йилнинг ўзида Францияда, Туркияда босилиб чиқди. Яқинда набирам Отабек хурсанд бўлиб айтиб қолди: "Интернетда ўқидим, дунёдаги энг кўп ўқиладиган 10 та болалар романлари рўйхати эълон қилинибди. Унда Сизнинг романларингиз 4-ўринда турибди, табриклайман", деди. Бундан катта бахт, топилма бўладими!?

— Болалигингиздаги қайси хато учун кейинчалик афсуслангансиз?

— Бундай хатолар бор. Улар гоҳ ўзимдан, гоҳ тарбиям иштирокчилари томонидан ўтган. Мен ва менинг тарбиячиларим иштирокида ўтган биринчи хатоим: менга Оллоҳ бировларга сўз айтиш санъатини ҳадя этган экан, мен буни эртароқ англаб етишимга ёрдам беришмади. Атрофимдагиларнинг хатоси шундан иборат бўлдики, Қўқон педагогика билим юртини битиргунимча бирор бир бадиий китоб ўқимаганман, дунёқарашим бувимнинг эртаклари ила шаклланди. Яна бир характеримда камчилигим бор эди, мен тортинчоқ ва уятчан эдим. Ортиқча уятчанлик эса инсонга зарар келтиради. Айтадиган гапингни айтолмайсан, қиладиган ишингни қилолмайсан, ичингдагини юзага чиқаролмайсан. Натижада, шахс ўзининг ички дунёсида қолиб кетади. Бу менинг тарбиямдаги хато эди.

— Бугунги ўзбек болалар адабиёти сизни қониқтирадими?

— Бугун, озми-кўпми, поэзиянинг яхши намуналари яратилмоқда. Лекин бугунги тез тараққий қилаётган даврда шеъриятнинг ўзи камлик қилади. Бугун бизга наср керак. Дунё бўйича болаларга 24 жанрда асарлар эълон қилиняпти. Биз техникаси, технологиясини сотиб олаётган дунё болалари ана шу адабиётлар таъсирида шаклланади. Фантастик асарлар, оммавий адабиётлар техника, технологияларга оид адабиётлар жуда зарур. Биз болаларимизга телевизор олдида думалаб ётиб катта бўлишига шароит яратяпмиз.

Ўзбек тилида босилаётган китоблар кичик эртаклар билан чегараланмоқда. Болалар дунёқараши, ахлоқини, тафаккурини шакллантирадиган техника, ҳайвонот олами, ўсимликлар олами билан таништирувчи китоблар асосан рус тилида, ўзбек тилида бундай китоблар кам. Шу ўринда бир машҳур гап ёдимга келди.

Икки марта ўқишга ярамайдиган асар бир марта ўқишга ҳам ярамайди. Ҳозирги яратилаётган асарларнинг аксарияти икки марта ўқишга ярамайди.

— Бугунги болаларда адабиётга бўлган ҳаваснинг сўнишига сабаб нима?

— Биринчиси, ота-оналарнинг бепарволиги, иккинчиси, ўқишга арзирли яхши асар йўқлиги, учинчиси, боланинг асосий вақтини ўринсиз телевидение олиб қолаётгани, тўртинчиси, китоблар тарғиботининг тўхтаб қолганлиги.

Мана шулар сўнгги йилларда дунёвий ҳолатлар ўрнига диний ҳолатнинг кучайишига сабаб бўляпти. Натижада ҳавфсаласизлик пайдо бўлади, ҳаммасига Оллоҳ сабаб, озига шукур қилиш шаклланади. Инсон ўзи учун интилиши керак деган қараш ўрнига, сен учун Оллоҳнинг ўзи ҳаракат қилади, қабилидаги фикр шаклланади.

Битта орзуим бор. Қатор мамлакатларда ёшлар марказлари мавжуд. Улар атрофига ёзувчилар, педагоглар, санъатшунослар, руҳшунослар, шифокорлар, спортчилар бирлашган. Улар болалар дунёси билан боғлиқ тадқиқотлар олиб боради. Ўсмирлар дунёқараши ва ахлоқидаги ўзгаришларни ўрганади. Бизда мана шундай институт йўқ. Тўғри, "Камолот" мавжуд, лекин у ижтимоий йўналишда фаолият олиб боради. Агар мана шундай марказ очилса, мен жон деб ишлаган бўлардим.

Суҳбатдош: Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунослик фанлари доктори.

AGROTECH

«CASE CE» КОМПАНИЯСИНИНГ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТОРИ БЎЛИБ, У ЕР КАВЛАЙДИГАН, ҚУРИЛИШ ВА ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИГАН ТЕХНИКАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИБ БЕРИШ БЎЙИЧА 10 ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГАДИР.

«AGROTECH» компанияси қуйидаги хизматларни таклиф этади:
- *«CASE CE»* компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларни етказиб бериш;
- *«CASE CE»* компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларнинг барча таъмирлаш ишларини бажариш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш;
- асл (оригинал) эҳтиёт қисмларни сотиш;
- лизинг орқали техникаларни олишда ёрдам кўрсатиш, техника ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун турли хил молия схемаларини таклиф этиш.

100074, Тошкент ш., Мухтор Ашрафий к., 108-уй.
Телефон: +998 71 120-60-30.
Факс: +998 71 120-60-20.
E-mail: agrotech@globalnet.uz

CASE
ПРОФЕССИОНАЛ ШЕРИК

Халқаро учрашув

«Экосан» халқаро ташкилотида «Оролбўйи ва Оролбўйи минтақасининг муаммолари – халқаро ҳамкорликка даъват» мавзусида халқаро учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир мазкур минтақадаги ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштириш, мавжуд глобал муаммо ечимини топишда жамоатчиликни бирлаштиришга қаратилди. Шунингдек, аҳолига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатаётган ташкилотларни қўллаб-қувватлаш ва турли юқумли касалликларнинг олдини олишга эътибор қаратиш лозимлиги ҳам таъкидланди.

Учрашувда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Экосан-тур» экологик туризм халқаро маркази томонидан ташкил этилган ахборот материаллари ва фотокўргазма қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, вазирлик ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS
АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Ўзбекистон Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши уруш ва меҳнат фахрийси

Сайфулла ОҚМИРЗАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси уюшманинг Фарғона вилояти филиали раиси Одилжон Олимжонович Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси

МЎЪТАБАРХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Макроиқтисодиёт кафедраси доценти Мансур Эшовга падари бузруквори

Пўлат ЭШОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Республика тил ўқитиш маркази Ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси Дилфуза Раҳимовага отаси

Абдуманнон ЖЎРАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси француз филологияси факультети Ижтимоий-гуманитар фанлари кафедраси доценти Лола Шукуровага опаси

Маҳфуза ТУРАПОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Жамшед Тоғаев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.30 23456